

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

ПОЗИЛОВА ШАҲНОЗА ХАЙДАРАЛИЕВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ МАЛАҚА
ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ КУРСЛАРИДА КРЕАТИВ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Позилова Шахноза Хайдаралиевна

Олий таълим муассасаси ўқитувчиларини малака ошириш ва қайта
тайёрлаш курсларида креатив ўқитиш методикаси..... 3

Позилова Шахноза Хайдаралиевна

Методика креативного обучения преподавателей высший образовательный
учреждений на курсах повышения квалификации и переподготовки
кадров..... 25

Pozilova Shahnoza Haydaraliyevna

The method of creative learning of teachers in higher educational institutions in
the courses of advanced training and retraining of staff..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**


ПОЗИЛОВА ШАҲНОЗА ХАЙДАРАЛИЕВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИДА КРЕАТИВ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

 Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.Phd/Ped690 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда илмий кенгашнинг веб-саҳифаси www.tdpu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Закирова Феруза Махмудовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Исмоилова Зухра Карабаевна
Педагогика фанлари доктори, профессор

Мирсолиева Мухаббат Тўхтасиновна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Бухоро давлат университети ҳузуридаги педагог
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш минтақавий маркази

Диссертация ҳимояси Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped48.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил "11" 06 соат 10 дақиқада бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зие кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871)246-92-17, факс: (99871)246-90-37, E-mail: moqt@markaz.uz).

Докторлик диссертацияси билан Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зие кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871)246-92-17, факс: (99871)246-90-37).

Диссертация автореферати 2019 йил "7" 06 кунлари тарқатилди. (2019 йил "7" 06 дақиқадаги 7 - рақамли реферат комиссияси).



Ш.Э.Курбанов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

С.Ю.Ашурова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.н., доцент

Қ.Т.Олимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инновацион ривожланишнинг глобал вазифаларидан бири инсонларда креативликни шакллантиришдир. Бунда янги гоёлар ишлаб чиқариш, мураккаб жараёнларда ечим топа билиш, касбий фаолиятта ижодий ёндашиш, оқилона таваккалчиликка бўлган қобилият, касбий баркамоллик каби ҳаракатлар назарда тутилади. ЮНЕСКО¹ катталар таълимини XXI асрда «эшикларни очувчи калит» деб эътироф этди. Жаҳон миқёсида педагог кадрларнинг ижодий салоҳияти, акмеологик компетентлиги ва креативлигини ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурлари орқали ўқитишнинг анъанавий ва замонавий методларидан комплекс фойдаланиш орқали ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг интеллектуал ресурсларини яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон миқёсида педагогика соҳасида олий таълим муассасаси педагогининг ижодий фикрлаши ва креативлигини ривожлантириш масалаларига қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Дунёдаги инновацияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш, профессор-ўқитувчиларнинг креатив компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш усулларини илмий асослаб бериш, малака ошириш тизими мазмунига мос креатив ўқитиш методикасини жорий этиш ва ўқув материалларини такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”, “...олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш”² каби йўналишлар белгиланиб, бу борада олий таълим муассасаси педагогларини креативлигини ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Республикадаги шиддатли ўзгаришлар таълим тизимига ҳам жаҳон миқёсида кенг йўл очиб бермоқда, жумладан, замонавий ахборот технологияларнинг тезкор ривожланиши, глобал телекоммуникацион технологияларнинг такомиллашиб бориши электрон таълим муҳитида инсонни ишга бўлган муносабатини креатив ёндашувини талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 августдаги ПҚ- 3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарори,

¹ Структура ИКТ-компетентности учителей. Рекомендации ЮНЕСКО. - Гамбург. - 2011. URL: <http://ru.iite.unesco.org/publications/3214694>.

² Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари рисола. -Т.: 2017. Б.70-71.

2015 йил 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-4732-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 242-сон, 2017 йил 27 февралдаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида» ги 103-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлариға мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг 1.“Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодийётни шакллантириш” устивор йўналишиға мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Малака ошириш тизими ва касб-хунар таълими тизимини такомиллаштириш, креатив ўқитишни ривожлантириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида малака ошириш тизими ва касб-хунар таълиминини такомиллаштириш муаммолари Ш.Абдураимов³, Ю.Асадов⁴, Р.Жўраев, Р.Исянов, Ж.Йўлдошев⁵, Н.Муслимов⁶, У.Толипов, Ж.Ҳамидов⁷, Т.Шоймардонов⁸, илмий ишларида ёритилган бўлса, креатив ўқитиш муаммолари А.Арипжанова⁹, Г.Ибрагимова¹⁰, М.Уразова, М.Кадирова, А.Халиков ва бошқа олимлар томонидан ўрганилиб, илмий - методик асослари ишлаб чиқилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан Т.Барышева¹¹, Ю.Волкова, Ю.Жигалова, М.Кашапова¹², Е.Панова¹³, Е.Подгузова¹⁴,

³ Абдураимов Ш.С. Касб таълими тингловчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда тармоқлараро интеграциянинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш: п.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. –Т.: - 2017. – 20 б.

⁴ Асадов Ю.М. Индивидуально-психологические особенности учителя как факторы развития профессионализма: Автореф.дис. ...канд. Психол. наук. – Ташкент: «НУУз», 2007. -25 с.

⁵ Йўлдошев Ж. Таълим янгиланиш йўлида. -Т.: Тингловчи., 2000. – Б.207.

⁶ Муслимов Н.А. Касб-таълими тингловчиларини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Дисс. п.ф.д. – Т.:2007. – 275 б.

⁷ Ҳамидов Ж.А. Бўлажак касб таълими тингловчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси: п.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. –Т.: - 2017. – 30 б.

⁸ Шоймардонов Т.Т. Педагог кадрлар малакасини ошириши ва касбий фаолияти мониторингини ташкил этишнинг электрон тизими: п.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореф. - Т.: 2017. 22 с.

⁹ Арипжанова А. Р. Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари педагогларининг креатив салоҳиятини ривожлантириш. п.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. Т.: - 2017. 24 б.

¹⁰ Ибрагимова Г.И. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш: п.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. –Т.: - 2017. – 24 б.

¹¹ Барышева Т.А., Жигалов Ю.А. Психолого-педагогические основы развития креативности. СПб.: 2006. - 285 с.

Н.Степаненко, Е.Шелестова ва бошқа олимлар креативликни шакллантиришнинг таълим муҳитига таъсири бўйича салмоқли изланишлар олиб борган.

Хорижий тадқиқотлар тажрибасида креативликни шакллантириш масаласи, F.Barron, D.Harrington, D.Wechsler, S.Thaler¹⁵, E.Torrance ва бошқалар ишларида кўриб чиқилган.

Юқорида келтирилганларга кўра, мамлакатимиз ва хорижда педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш креатив ўқитишни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганини кўрамиз. Аммо, ахборотлашган жамиятнинг тезкорлик билан ривожланиб бориши, олий таълим муассасаси педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида таълим олаётган педагогларни креатив ўқитиш методикаси чуқур, ҳар томонлама ўрганилмаганлигини қайд этиш мумкин.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-2017-4-4 “Ахборот тизимларида маълумотларга интеллектуал ишлов бериш, излаш моделларини яратиш ва жорий қилиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида информатика, математика ва физика йўналиши тингловчиларини креатив ўқитиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“креатив ўқитиш” тушунчасини фалсафий, психологик ва педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилиш, олий таълим муассасаси педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида креатив ўқитиш моҳиятини очиб бериш;

олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида креатив ўқитишнинг ташкилий-педагогик шартларини аниқлаш;

олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида информатика, математика ва физика йўналиши тингловчиларини креативлигини ривожлантириш босқичларини аниқлаш;

олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими талабларидан келиб чиқиб креатив ўқитишга йўналтирилган ўқув-услубий таъминотни такомиллаштириш.

¹² Кашапова М.М., доц. Т.Г. Киселева, доц. Т.В. Огородова. Креативность как ключевая компетентность педагога: Монография. Под ред. проф. Ярославль: ИПК «Индиго». -2013. - 392 с.

¹³ Панова Е.С.. Развитие креативного мышления: от проблемы к инновационному решению. 10 первых шагов изобретателя. Монография. М.: Берлин: 2016. 197 с.

¹⁴ Подгузова Е.Е. Развитие креативности специалистов социально-культурной сферы в процессе вузовской подготовки. Монография. – М.: СГИИ. - 2006. 132 с.

¹⁵ Thaler S. L. Cycles of insanity and creativity within contemplative neural systems // Medical hypotheses. – 2016. – Т. 94. – С. 138-147.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида тингловчиларни креатив технологиялар асосида ўқитиш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида информатика, математика ва физика йўналиши тингловчиларини креатив ўқитишнинг ташкилий-педагогик шартлари, ривожлантириш босқичлари, усул ва воситалари, ўқув-услубий таъминоти.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога доир педагогик, психологик, методик адабиётлар ва монографиялар таҳлил, аналитик усул, қиёсий таҳлил, педагогик кузатув, суҳбат, педагогик тажриба, математик-статистик таҳлил, натижаларни умумлаштиришнинг комплекс усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг креативлигини ривожлантиришга қаратилган инновацион-методик лойиҳа, креатив усуллар ва дизайн-фикрлаш технологиясини қўшиш орқали малака ошириш жараёнининг ташкилий-педагогик шартлари тақомиллаштирилган;

олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида тингловчиларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларидан келиб чиқиб, дизайн-фикрлаш технологиясига асосланган эмпатия, фокус, инновацион ғоя, прототип, тестлаш каби босқичларни киритиш орқали креатив ўқитиш методикаси тақомиллаштирилган;

олий таълим муассасалари педагог кадрларини инновацион фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб, креатив компетенцияларини ривожлантириш мақсадли-мотивацион, креатив билим ва кўникмаларга эгалик ҳамда инновацион фаолиятга йўналтирилганлик мезонларини ва эшитувчи, фойдаланувчи, яратувчи даражаларини киритиш орқали тақомиллаштирилган;

олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг креативлигини ривожланишини таъминлаб берувчи KWHL (Know? What? How? Learn?), Кьюбинг, SCAMPER (Substitute, Combine, Adapt, Modify/Magnify, Put to other uses, Eliminate, Rearrange/Reverse) каби усуллар асосида яратилган инновацион-методик характердаги муаммоли вазиятлар ва креатив амалий топшириқларни ишлаб чиқиш асосида ўқув-методик таъминоти тақомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчилари креативлиги» тушунчаси мазмун моҳияти очиб берилди, шунингдек унинг ривожланиши, унинг замонавий талаблар асосида фаолият юритишини таъминлайдиган баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасалари тингловчиларини креативлигини ривожлантириш усуллари асосида «Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик» модули мазмуни такомиллаштирилган ва амалиётга жорий қилинган;

олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчилари креативлигини ривожлантиришга қаратилган «SCAMPER», «Кьюбинг», «KWHL» каби креатив ўқитиш методлари, дизайн фикрлаш технологиясидан фойдаланишнинг имкониятлари аниқланган ва улар педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари ўқув жараёнига тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хорижий ҳамда ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсдаги илмий конференция материаллари, илмий-методик тақлифларнинг амалиётда татбиқ этилгани; тадқиқот вазифаларига мос келувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; шунингдек математик-статистик қайта ишлов берилганлиги ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасалари тингловчилари креативлигини ривожлантириш мазмуни, босқичлари, усул ва воситалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимининг мазмунини бойитиш, ўқитиш усул ва воситаларини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тингловчиларини креативлигини ривожлантирувчи креатив ўқитиш усуллари ва «Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик» модули ўқув - услубий таъминоти таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасалари тингловчиларининг креативлигини ривожлантириш методикаси бўйича олинган илмий натижалар ва ишлаб чиқилган тақлифлар асосида:

олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари информатика ва ахборот технологиялари, математика, физика йўналишлари тингловчиларининг креативлигини ривожлантиришнинг босқичлари, ташкилий-педагогик шартлари, инновацион-методик лойиҳалар, креатив методлар ва дизайн фикрлаш технологиялари малака ошириш жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 89-03-3630-сонли маълумотномаси). Натижада тингловчиларнинг касбий компетентлик даражаси такомиллаштирилган.

олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари «Инновацион таълим

технологиялари ва педагогик компетентлик» модулининг ўқув услубий мажмуасига «SCAMPER», «KWL», «Кьюбинг» каби креатив ўқитиш методлари ва дизайн фикрлаш технологияси киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 89-03-3630-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари таълим жараёнида фойдаланиладиган ўқитиш усуллари ва воситалари такомиллаштирилган.

педагог кадрларини креативлигини ривожлантиришга қаратилган таклифлар “5350400 - Ахборот коммуникация соҳасида касб таълими” бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун «Касбий педагогик фаолиятга кириш» ўқув қўлланмасида ўз ифодасини топган ва ўқув жараёнига тадбиқ этилган. Натижада олий таълим муассасалари талабаларини креативлиги ривожлантирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, жумладан, 1 та ўқув қўлланма, 1 та услубий қўлланма, монография педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (5 та республика ва 5 та хорижий журналда) чоп этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 122 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Олий таълим муассасаси педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида креатив ўқитишнинг назарий асослари” деб номланган биринчи бобида олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг креативлигини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик зарурияти ва ривожлантириш йўллари ёритиб берилган.

Республикамиз ва хорижий мамлакатлар олимлари томонидан креатив ўқитишнинг фалсафий, психологик ва педагогик нуқтаи назардан кўп қиррали хусусиятлари тавсифи бўйича бир канча илмий изланишлар олиб борилган.

Г.Н.Ибрагимова¹⁶нинг тадқиқот ишида креативлик - шахснинг яратувчанлик, ижодкорлик хислатларлари билан боғлиқ кўникмалар мажмуи бўлиб, у ўз ичига муаммоларга нисбатан юқори даражадаги сезгирлик, интуиция, натижаларни олдиндан кўра билиш, фантазия, тадқиқотчилик ва рефлексияни қамраб олади деб таъкидлайди.

А.А.Арипжанова¹⁷ эса креативликни ўрганиш бўйича педагогик фаолиятнинг ўзига хосликлари ва ёндашувларни инобатга олиб, педагог кадрларнинг креатив салоҳиятини: фаолиятли, самарали, шахсий, мухитга доир, муаммоли аспектларда кўриб чиқиш лозимлигини аниқлаган.¹

М.А.Холодная¹⁸, Сун Йе Хванг (Soon Ye Hwang) ва бошқалар креативликни критерияларига оригиналлик, онглилик, ўзгарувчанлик ва бирлашувчанликни киритганлар.

Педагог кадрлар креативлигини ривожлантириш зарурияти Е.Е.Антонова, Я.А.Цветкова, М.Селкгриг ва К.Киами томонидан исботлаб берилган. А.В.Кострюков ва Д.В.Мирошникова педагогик фаолиятда креативликни пайдо бўлиш кўлами етарлича кенг ва бунини педагогнинг талабаларга бўлган муносабатида, педагогик хулқ-атворда, фанни ўқитиш методикасида, талабаларга бериладиган материални танлашда, аудиториядан ташқари ўқиш ва тарбиявий ишларда кўриш мумкинлиги тўғрисида фикр юритганлар.

Юқорида келтирилган мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда, "креатив ўқитиш" деганда ўқитувчи ва тингловчи ўртасидаги ижодий муносабат, ўзаро тингловчи ёки маълум бир восита ва тингловчи орасидаги креатив жараён бўлиб, у шахс креативлигини ривожлантиришга хизмат қилади деб таърифлаймиз.

Шундай экан, олий таълим муассасаси педагог кадрларини интеллектуал ижодкорлигини ривожлантириш билан бирга уларнинг педагогик фаолиятини креатив олиб боришда дизайн-фикрлаш технологиясидан фойдаланиш таълим сифатини янада оширишга хизмат қилади.

Дизайн-фикрлаш (*инг. Design - thinking*) технологияси¹⁹ – таҳлилга эмас, балки ижодий ёндашувга асосланган бўлиб, муҳандислик, педагогик ва бошқа соҳаларда қўлланилади. Дизайн-фикрлаш технологиясини қўллаш натижасида янги ғоялар орқали муаммонинг ечими топилади. Ушбу технологияни педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида "Инновацион таълим технологиялари ва педагогик

¹⁶ Ибрагимова Г.И. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш: п.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. –Т.: - 2017. – 24 б.

¹⁷ Арипджанова А. Р. Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари педагогларининг креатив салоҳиятини ривожлантириш. п.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. Т.: - 2017. 24 б.

¹⁸ Холодная М.А. Психология интеллекта: парадоксы исследования. 2-е изд., перераб. и доп. - СПб.: Питер, 2002. - 272 с

¹⁹ Что такое дизайн-мышление? URL: <https://te-st.ru/2015/01/28/what-is-design-thinking>.

компетентлик” ўқув модули назарий ва амалий машғулотларида қўлланилиши натижасида тингловчиларнинг модул юзасидан чуқур билимга эга бўлиши билан бир қаторда интеллектуал салоҳияти ва креативлиги ривожланди. Дизайн-фикрлаш технологияси мавзу юзасидан ечими маълум бўлмаган муаммоларни тингловчиларнинг педагогик тажрибасидан келиб чиқиб ўрганиш ва тўсатдан пайдо бўлган ҳолатларни ифодалашга имкон берди. У тингловчиларда тасаввурни, ижодий-яратувчанлик қобилиятини ривожлантириб, янги ҳолатларга илҳомлантирди. Натижада, уларда мавзу юзасидан илмий манбалар билан ишлаш кўникмаси ва креатив компетенцияси ривожланди.

Инновацион педагогик фаолиятнинг юксалиши таълим ва тарбияни янги қирраларини очишга, ноанъанавийлик ва оригиналликка асосланган инновацион технологияларни, энг асосийси фикрлаш, тарбиялаш, англаб олиш қобилиятини муҳимлигини оптималроқ шаклини яратишдек далилларга асосланади. Диссертацияда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида креатив ўқитишнинг хусусиятлари очиқ берилган. (1-жадвал).

1 - жадвал

ОТМ педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида креатив ўқитишнинг хусусиятлари

Мезонлари	Креатив ўқитиш
Малака оширишнинг мақсади	Ахборотлашган жамиятда тингловчиларнинг касбий компетентлиги ва ижодкорлигини ривожлантириш. Инновацияни яратиш ва таълим жараёнига жорий қилиш.
Ўқитувчи фаолияти	Инновацион бўлиб, тингловчиларнинг креативлигини ривожлантириш учун ташкилий-педагогик шартларни яратиш.
Тингловчининг фаолияти	Фаол бўлиб, тингловчилар янги ҳолатларни яратиши ва таълим жараёнига қўллаши.
Таълим шакллари	Гуруҳли, индивидуал, биргаликда ишлаш.
Таълим методлари	Муаммоли, лойиҳали, креатив ўқитиш методлари.
Таълим воситалари	Тармоқ технологиялари, электрон ва мобил технологиялардан фойдаланиш.
Фаолиятни баҳолаш	Ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш.

ОТМ педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида креатив ўқитишни ташкил этиш инновацион жамиятда тингловчиларнинг фаол ҳаётга қизиқиши ва хоҳишини уйғотади, фикрларни таҳлил қилишга ундайди, ҳис-ғуйғулари ва билимларини мустаҳкамлайди.


Диссертациянинг “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларини креатив ўқитиш методикаси” номли иккинчи бобида таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасаси педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчилари креатив компетентлигининг таркиби, баҳолаш мезонлари, уни ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик шартлари, креатив ўқитиш методикаси баён этилган.

Бизнинг фикримизча, ОТМ педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг асосий вазифаси – тингловчиларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун мақбул шарт-шароитларни яратиб бериш ҳисобланади. Тингловчининг креативлигини ривожлантириш ва инновацияларни яратишга йўналтириш, муаммоли фаолият турларини таҳлил қилиш, муаммоларни мустақил англаш, ўз имкониятларини ривожлантиришга сарфлаш - креатив ўқитишнинг мақсади ҳисобланади ва айнан креатив ўқитишга бўлган эҳтиёжни талаб қилади. Шундай қилиб, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларидаги креатив ўқитишнинг мақсади – тингловчиларнинг креатив компетентлигини ва педагогик маҳоратини ривожлантириш, шунингдек уларнинг ижодий фикрлашини креатив ўқитиш методлари ва дизайн фикрлаш технологияси ёрдамида такомиллаштиришдир.

Креативлик - таълим жараёнини ташкиллаштиришни ўзида мужассамлаштириб, креатив ўқитиш жараёнини шакллантириш, креатив ўқитиш методлари ва дизайн фикрлаш технологиялари орқали креативликни ошириш, турли услублардан билим ва қўникмалар мувозанатини ривожлантиришда фойдаланиш, тингловчиларнинг таълим дастурларини шакллантиришда фаол иштирок этишни ўз ичига олади.

Билдирилган фикрларга таянган ҳолда олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг креатив компетенциялари ишлаб чиқилди (1-расм).

Тадқиқот давомида олий таълим муассасаси педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида креатив ўқитишни самарали ташкил этиш учун ташкилий-педагогик шартлари аниқланди. Бунда муайян методикани қўллаш самарадорлиги билан боғлиқ бўлган зарур ва етарли даражада муҳим шартлар мажмуи назарда тутилади.



1-расм. Олий таълим муассасалари педагог кадрларини креатив компетенциялари

ОТМ педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида таҳсил олаётган информатика, математика ва физика йўналишлари тингловчиларида креатив ўқитишни амалга ошириш учун қуйидаги ташкилий - педагогик шартларининг бўлиши талаб қилинади (2-расм).

Малака ошириш курсларида тажрибага эга профессор-ўқитувчилар малака оширар эканлар, креатив ўқитиш методларини ишлаб чиқишда уларнинг педагогик тажрибаларидан имкон қадар кўпроқ фойдаландик. Натижада ОТМ педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари учун қуйидаги босқичли креатив ўқитиш методикаси ишлаб чиқилди. У бешта босқичда амалга оширилади:


1-босқич: ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятида пайдо бўлган услубий муаммоларни илмий - методик тарафдан тушуниш;

2-босқич: илмий - методик муаммоларни ва ундан келиб чиқадиган эҳтиёжларни ҳар томонлама таҳлил қилиш;

3-босқич: янги билимлар, ечим ва танқидий таҳлилларни кидириш;

4-босқич: янги педагогик тажрибани яратиш ва ўзлаштириш;

5-босқич: янги педагогик тажрибани синовдан ўтказиш ва жорий қилиш.



2-расм. ОТМ педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида креатив ўқитишни амалга оширишнинг ташкилий - педагогик шартлари

Олий таълим муассасаси педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари информатика, математика ва физика йўналишлари тингловчиларида креатив ўқитишни ташкил этиш учун ўқув-услубий таъминот ишлаб чиқилди ва у қуйидагиларни ўз ичига олди:

1) креатив ўқитиш методлари ва технологиялари асосида назарий машғулотларини олиб бориш учун методик кўрсатма (“Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули маъруза машғулотлари учун услубий қўлланма);

2) креатив ўқитиш методлари ва технологиялари асосида амалий машғулотларини олиб бориш учун методик тавсиялар;

3) креатив ўқитишни ташкиллаштириш учун муаммоли топшириқлар;

4) информатика, математика ва физика йўналишлари тингловчиларининг креативлигини баҳолаш учун назорат-ўлчов материаллар.

Тақлиф этилган ўқув-услубий таъминотнинг афзаллиги, яратилган материаллар нафақат креативлик билан боғлиқ энг муҳим тушунчаларни билибгина қолмай, балки инновацион таълим шароитида ҳам касбий соҳада ишончли тарзда ҳаракат қилиш имконини беради.

Олий таълим муассасаси педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курси якунида тингловчи:

- креативлик, креативлик мезонлари, инновацион жамиятни ривожлантиришда креатив инсонларнинг роли, ўқув-тарбия жараёнида креативликнинг аҳамияти, креативликни ривожлантиришнинг объектив қонуниятлари, креативликни ривожланишида ахборот - коммуникация технологиялари таъсири, дизайн фикрлаш технологияси ҳақида тасаввурга эга бўлди;

- креативлигини фаоллаштирувчи техникасини қўллаш, касбий муаммоларни асл ечимини топиш, ўзаро фикр алмашинув билан боғлиқ бўлган вазиятларни таҳлил қилишни ўрганди;

- касбий фаолиятни тўғри ташкиллаштириш ва ҳамкасблар билан биргаликда фаолият юритиш кўникмасига эга бўлди;

- янги билимлар, маълумотларни қидириб, қайта ишлаб, уни педагогик фаолият муҳитида қўллади;


- инновацион лойиҳаларни яратиш ва расмийлаштиришга қаратилган билимларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ривожлантиради.

Юқорида берилган креативликнинг хусусиятларидан келиб чиқиб педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида таҳсил олаётган информатика, математика ва физика йўналиши тингловчилари креативлигини баҳолаш мезонлари аниқланди. Бунда мотивацион, методологик билимларга эгалик ва инновацион фаолиятга йўналтирилганлик мезонлари танланган бўлиб, ҳар бирида ривожланишнинг яратувчи, фойдаланувчи ва эшитувчи даражалари ажратилиб, ишлаб чиқилди (2-жадвал).

Олий таълим муассасаси педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курси тингловчилари креативлигини ривожланганлик даражасини белгиловчи мезонлар

Яратувчи	Фойдаланувчи	Эшитувчи
Мақсадли -мотивацион		
- креатив ўқитиш технологияларини ўрганишга кизиқиши юкори; - креативлиги жуда баланд; - креатив ғояларни яратувчанлиги юкори даражада.	- креатив ўқитиш технологияларини қисман ўрганишга кизиқади; - креативлигини ривожлантиришга интилади; - яратилган креатив ғояларни ўзлаштиради.	- креатив ўқитиш технологияларини ўрганмайди; - креативлигини ривожлантиришга кизиқиши йўқ; - яратилган креатив ғояларни ўзлаштира олмайди.
Креатив билим ва кўникмаларга эгаллик		
- креативлик тушунчаси ва креатив ўқитиш методлари ҳақида тўлиқ билади; - креативликни таълим сифатига ижобий таъсирини тўлиқ ифодалайди.	- креативлик тушунчаси ва креатив ўқитиш методлари ҳақида қисман билади; - креативликни таълим сифатига ижобий таъсирини қисман ифодалайди.	- креативлик тушунчаси ва креатив ўқитиш методлари ҳақида билимга эга эмас; - креативликни таълим сифатига ижобий таъсирини ифодалай олмайди.
Инновацион фаолиятга йўналтирилганлик		
- креатив ўқитиш методлардан фойдаланиб ўқув жараёнини такомиллаштиради; - инновацион фаолият билан шуғулланиб, янги ғояларни яратади ва таълимга тадбиқ этади..	- креатив методлардан фойдаланиб ўқув жараёнини режалаштиради; - инновациялардан фойдаланади.	- ўқув жараёнини аънавийликка асосланиб режалаштиради; - креатив методлар ёрдамида инновацион фаолият билан умуман шуғулланмайди.

Билдирилган фикрларга таянган ҳолда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида тингловчиларни креатив ўқитишнинг мантиқий тузилмаси ишлаб чиқилди (3-расм).



3-расм. ОТМ ПКҚТ ва УМО курслари тингловчиларини креативлигини ривожлантиришнинг мантикий тузилмаси.

Диссертациянинг учинчи – “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларини креатив ўқитиш методикаси юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари” деб номланган бобида ОТМ педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларидаги креатив ўқитиш самарадорлиги ва ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларининг тахлили тўғрисида сўз юритилган.

Тажриба-синов ишлари 2015-2018 йиллар мобайнида уч, яъни таъкидловчи (2015-2016 йй.), шакллантирувчи (2016-2017 йй.) ва якунловчи (2017-2018 йй.) боскичларда Мухаммад ал-Хоразмий Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази, Самарканд давлат университети хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтакавий маркази, Фарғона давлат университети хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтакавий маркази информатика, математика ва физика йўналишлари тингловчилари танлаб олинди. Тажриба-синов ишида жами 313 нафар тингловчи иштирок этди. Шундан назорат гуруҳида 160 та ва тажриба гуруҳида 153 та тингловчи иштирок этди.

Тажриба-синов ишининг биринчи боскичининг асосий масалалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланди: 1) креативликни ривожлантиришга тингловчиларнинг муносабатини аниқлаш; 2) тингловчилар креативлигини ривожлантириш метод ва технологиялари ҳақидаги билимларини ўрганиш; 3) дидактик муаммоларни ечишда креатив метод ва технологиялардан фойдаланишни аниқлаш; 4) креатив ўқитиш усулларини қўллашда тингловчилар дуч келадиган муаммоли вазиятларни аниқлаш.

